Тошкент ҳақиқати

№ 153 (10.402).

1992 йил 3 ноябрь сешанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ёш ватандошлар!

Кўҳна Туркистон заминига — ота-боболарингиз юртига ташрифингиз билан мубораклаб этаман.

Сизу биз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Даврларнинг ададсиз тўфонлари, аёвсиз қатағонлар, истибдодга асосланган сиёсат сизу бизни бир юртда яшаш бахтидан бенасиб этди. Қисматларимиз айри тушса-да, этни тирноқдан ажратиб бўлмагандек, ҳар доим бир-биримизга интилиб яшадик. Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғларимизнинг руҳлари ҳамиша барчамизни бирлашишга ундаб келди. Бинобарин, ана шу аждодларимизнинг ўлмас руҳлари бугун ҳаммамизни бу ерда —тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда юз кўриштирди.

Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофатидир. Бу ёруғ кунларни ҳаммамиз узоқ, жуда узоқ кутган эдик. Юртимизни озод кўрмоқ орзусида не-не буюк зотларимиз жонларини фидо қилдилар, қўллари ўзга юртларга бош олиб кетдилар. Ўша эрксевар инсонларнинг фарзандлари бўлмиш сизларнинг ота маконга қанчалар талпиниб яшаганингизни теран англаймиз ва уни ғоят қадрлаймиз.

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви мустақил Ўзбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман.

Ҳозирлик биродарлар, бу қадимий ватан бизники бўлгани каби сизники ҳамдир. Азиз ватанимизни гуллаб-яшнатиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ақлу кучимиз ана шу эзгу ишга қаратилмоғи даркор. Бунинг учун янада якдил ва ҳамкор бўлмоғимиз зарур.

Бу олижаноб ниятлар йўлида сизларга, сизлар орқали чет элларидаги барча ёш ватандошларга ва республикамиз ёшларига омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

Тошкент 1992 йил. 3 ноябрь.

92-ЙИЛ ҲОСИЛИ



ТЕЗКОР ПАХТА ШТАБИ

33·40·48
33·48·08
33·50·18
33·05·22

● Утган куни вилоятимиз пахтазорларида 6538 тонна ҳосил терилди. Ялпи хирмонимиз 232 минг тоннадан ошди.

● Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ районлари ҳамон кунлик ўсишда пешқадамлик қилмоқдалар. Лекин, Қуйичирчиқ, Пискент, Янгийўл районларида суръат пасайиб кетди.

● ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР УРТОҚЛАР! Марра тобора яқинлашмоқда. Ғанимат кунларнинг қадрига етайлик. Техникани тўла қувват билан ишлатайлик. Далада меҳнат қилаётганлар учун ҳамма шароитларни яратиб берайлик.

ВИЛОЯТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 2 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машинада бир кунда терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бўка	1,97	80,65	1,76	79,73
Бекобод	2,03	78,36	1,24	62,36
Оққўрғон	2,06	77,97	1,85	69,39
Қуйичирчиқ	1,44	73,22	1,18	75,62
Чиноз	2,00	69,87	2,68	64,53
Ўртачирчиқ	2,80	66,67	2,19	53,65
Юқоричирчиқ	2,68	66,27	2,36	72,01
Пискент	1,74	65,50	1,11	36,95
Янгийўл	1,70	62,47	1,38	40,71
Вилоят бўйича	2,05	72,80	1,67	63,60

ВИЛОЯТИМИЗДА пахта йиғим-терими ҳал қилувчи босқичга кирди. Тезкор пахта штабига деҳқонларнинг меҳнат муваффақиятлари ҳақида бирин-кетин хабарлар келиб турипти. Ўртачирчиқ районидаги КИМ ПЕН ХВА номли, АКМАЛ ИКРОМОВ номли, Оққўрғон районидаги АКМАЛ ИКРОМОВ номли жамоа хўжаликлари ҳам режани бажарганликлари ҳақида маълум қилдилар. Бу хўжаликларда режа бажарилгандан сўнг ҳам терим суръати сусайгани йўқ. Ким Пен Хваликлар режага қўшимча яна 200 тонна, шу райондаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари 450 тонна, Оққўрғон районидаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари эса яна 500 тонна пахта топширишга аҳд қилдилар.

(Мазкур хўжаликларнинг меҳнат ютуқлари, йиғим-теримни ташкил этиш соҳасидаги тажрибалари ҳақидаги мақолаларни газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз).



● СУРАТДА: Ўртачирчиқ районидаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги раиси Абдукарим Тошматов илғор бригада бошлиқлари орасида.

Ўнгда эса шу хўжаликнинг пешқадам бригадири Ўрмонали Тожиев.

Анқара:

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

АНҚАРА, 30 октябрь. (ЎзА мухбири Фахриддин Низомов), 29 октябрь куни Туркия Республика деб эълон қилинган кунининг 69 йиллиги муносабати билан Отатурк номидаги Анқара отчопарида байрам тантаналари бўлиб ўтди. Байрам тантаналарида иштирок этаётган Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари фахрли меҳмонлар минбаридан жой олишди. Бу ерда ҳарбий парад ва ёшларнинг тантанали юриши бўлди.

Тантаналардан сўнг Туркманистон ва Қозоғистон республикаларининг Туркиядаги элчихоналари очилиши маросими бўлди. Унда Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл, ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Шу куни кечқурун Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол Чанқоя саройида байрам муносабати билан зиёфат берди. Зиёфатда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари ҳамда чет эл дипломатия ваколатхоналари ходимлари иштирок этишди.

30 октябрь куни Анқарадаги Туркия Буюк миллат мажлиси қарорғоҳида Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркманистон ,Қозоғистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларининг икки кунлик кенгаши иш бошлади. Туркия Президенти Турғут Ўзол анжуманни очар экан, Туркия ўз мустақиллигини қўлга киритган туркийзабон давлатларни биринчи бўлиб тан олгани ва қардош мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётгани ҳақида гапирди.

— Туркия Республикасининг миллий байрамига туркийзабон мамлакатлар раҳбарларини таклиф этганимиздан хурсандмиз, — деди у.—Бизнинг тарихимиз ва маданиятимиз муштаракдир. Тарихий алоқаларнинг қайта тикланиши келажакдаги муносабатларни ривожлантиришга мустаҳкам замин яратди. Биз қардош давлатлар ўртасида барпо этилажак алоқалар Европа ҳамжамияти ёхуд ислом конференциясига аъзо давлатлар ўртасида мавжуд бўлган алоқалар сингари мустаҳкам бўлишини истаймиз. Ҳозирги дунёдаги сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик шароитида, ўйлайманки, туркий давлатларнинг қизғин ҳамкорлиги минтақадаги ва дунёдаги бошқа давлатларнинг манфаатига зид келмайди. Туркийлар доимо инсоният тарихида ўз мавқеига эга бўлиб келди. Биз ҳозиржавоб ва меҳнатсевар халқ миз, бинобарин, камида XXI аср туркий халқлар асри бўлишига ишонаман.

31 октябрь куни туркийзабон мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши давлатлараро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим ҳужжатларни имзолаш билан якунланади.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА:

«Тошкент ҳақиқати»га обуна муддати 20 ноябргача узайтирилди!

ОБУНА БУЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Обуна баҳоси — 366 сўм 60 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси — 64672.

ЗАНГИОТА РАЙОНИ:

54 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ

ҲОЗИРГИ кунга қадар бу районда 54 минг тоннадан ортиқ сабзавот топширилиб, режа ошириб бажарилди.

Райондаги 13 та хўжаликдан 10 таси режани тўлиқ адо этди. Қолган хўжаликлар ҳам эрта-индин маррага етиш арафасида турибдилар.

Бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ишни оқилона ва тадбиркорлик билан ташкил этган хўжаликлар режаларини муддатидан илгари анча ошириб адо этдилар. Жумладан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги катта ютуққа эришди. Бу хўжаликда режа 120 фоиз қилиб бажарилди. «Наврўз», «Иттифоқ», Акмал Икромов номли жамоа хўжаликлари ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар. Район сабзавот хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

(Зангиотали сабзавоткорларнинг меҳнат ютуқлари ҳақидаги мақолани газетамизнинг навбатдаги сонида ўқийсиз).

Н. ИСАЕВ.

АНИҚЛИК КИРИТАМИЗ

25 ЭМАС, 5 МИНГ СЎМ

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 31 октябрь сонида босилган «Гектар тозалаб берилса, 25 минг сўм» сарлавҳали хабарда айрим ходимларнинг айби билан хатоликка йўл қўйилган.

Аслида Ўртачирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида бир гектар майдондаги пахтани тозалаб берганлиги учун одамларга 5 минг сўм ҳақ тўланадиган бўлган. Бу тадбир йиғим-теримни жадаллаштириб, режани барвақт бажариш имкониятини берган омиллардан бири бўлди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз Зангиота райони сабзавоткорларини бу йилги қийин иқтисодий ва об-ҳаво шароитларида режани муваффақиятли уддалаганликлари билан чин дилдан қутлаймиз. Хўжалик йилини барча соҳаларда юқори кўрсаткичлар билан якунлашда уларга янги ютуқлар тилаймиз.

РЕЖАНИ БАЖАРГАНЛАР

ЧЎЛ ДУРДОНАСИ

«ФАРҲОД» жамоа хўжалиги Бекобод районида янги хўжаликлардан бири ҳисобланади. Йил бошида Ойбек номли давлат хўжалигининг маълум бир ҳудудлари «Фарҳод»га ажратилиб, чўл ерларда деҳқончилик қилиш учун шарт-шароит яратилди. Жуғрофий ва об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, Абдуманнон ака Умаралиев бошчилигидаги жамоа баҳорнинг биринчи кунлариданоқ астойдил ишга киришдилар.

Экилган чигитлар қийғос униб чиққандан бошлаб, то мўл ҳосил етиштирилгунча жамоа аъзолари тиним билмадилар, десак бўлади.

Туну-кун қилинган меҳнат зое кетмади. Чинакамига гайрат кўрсатган мирзачўлликлар куни кеча йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этганликларини маълум қилдилар. «Фарҳод»ликлар вилоятимиз ўлкан хирмонига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида яна режага қўшимча 200 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилдилар. Ҳали далада ҳосил кўп. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини тезроқ йиғиб-териб олиш учун саъи-ҳаракат кўрсатмоқда.

Р. БЕРДИЕВ.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИ

31 октябрь куни атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини ўтказиш комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда юбилей тантаналарини ўтказишга тайёргарлик юзасидан комиссия котиби Ш. Убайдуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў. Олимов, республика Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи З. Ҳакимов ва бошқалар ахборот бердилар.

Юбилей тантаналари 5 ноябрь куни Тошкентда Ш. Рашидов ҳайкалининг очилишига бағишланган митинг билан бошланади. Шу оқшом Халқлар дўстлиги саройида катта хайрия концерти бўлади. Эртаси куни байрам Жиззахда давом этади.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев ва Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ЖАМОАТ КОМИССИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда иқтисодий ўзгартишларни кучайтириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида бошқарувга оид энг мақбул қарорларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш учун давлат қарамоғида бўлмаган тузилмалар ва савдо-саноат палаталари вакилларининг кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат комитети ва унинг жойлардаги органлари таркибида республикада иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссияларини ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, жамоат комиссиялари энг тажрибали ва холис тадбиркорлар, фермерлар ва савдо-саноат палаталарининг бошқа вакилларидан тузилади. Комиссияларнинг раислари ва аъзоларқ аса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитети ҳамда унинг республика ҳудудларидаги бўлинмалари тизими раҳбарлари ва ходимлари учун белгилаб берилган барча ваколатлар ва ҳуқуқларга эга бўладилар;

республика комиссиясининг раиси айни вақтда Давлат назорати комитети раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосаридир ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармоии билан лавозимига тайинланади;

вилоят, шаҳар ва район комиссияларининг раислари ҳам республика Давлат назорати ҳудудий органларя раҳбарларининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарларидирлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитетининг раиси томонидан тайинланадилар.

2. Қуйидагилар комиссиялар фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қилиб белгилансин:

— иқтисодий ислоҳотлар масалаларига доир норматив ҳужжатлар мажмуи бажарилишини идоралараро назорат қилиш органлари ишини мувофиқлаштириш;

— корхоналар ва хўжаликлар мустақиллигини кенгайтиришга, бозор тузилмалари ва таркибий қисмларини вужудга келтиришга, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришга, тадбиркорликни, жумладан, ташқи иқтисодий соҳадаги тадбиркорликни кучайтиришга қаратилган Президент фармонларини ва Ўзбекистон ҳукумати қарорларини вазирликлар ва идоралар, концернлар, ассоциациялар, корхоналар ва хўжаликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қандай бажараётганларини текширишни йўлга қўйиш;

— жойларда ана шу соҳаларда ижроия интизоми ҳолатини ўрганиш, бозор иқтисодиётига изчил ўтишни таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларнинг дастлабки лойиҳаларини тайёрланда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият органлари, шунингдек турли иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш;

— республиканинг муайян корхоналарида, хўжаликларида ва ҳудудларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилиш ва бундан Ўзбекистон ҳукуматини хабардор этиш;

— амалдаги норматив ҳужжатларнинг молиявий ва хўжалик механизмларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, республикада иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришни кучайтириш ва жадаллаштиришга қаратилган бошқарувга оид қабул қилинаётган қарорлар ҳамда қонун ҳужжатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир таклифлар ва таклифларни ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати комитети бир ҳафта муддат ичида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 2 ноябрь.

• ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ •

«ГУЛИСТОН»: ЯНА 450 ТОННА

ТУЙТЕПА. Бу йил, маълумки, об-ҳаво шароити туфайли пахтанинг пишиб етилиш даври кечикди. Шунга қарамай мўл ҳосил тўпланди. Лекин, бу ҳосилни несобуд қилмай, ёғингарчиликка қолдирмай, қисқа муддатда йиғиб-териб олиш эса барча бўғинларнинг аниқ ва пухта, бекаму-кўст ишлашига боғлиқдир. Акс ҳолда меҳнатнинг бир қисми зое кетиши ҳеч гап эмас.

Ўртачирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари йиғим-теримни бошлаш олдидан бўлиб ўтган маслаҳатлашув кенгашида ана шу масалага алоҳида эътибор беришди ва белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат қилиб боришди.

Оқибатда йиғим-теримда машиналар ҳал қилувчи роль ўйнади. Йиллик режа бажарилди. Агар шу кунга қадар ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиб олинган, жами 2300 тоннадан ортиқ хом ашё топширилган бўлса, унинг қариб 2 минг тоннаси машиналарда терилди.

«Гулистон»ликлар айни кунларда ҳам йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар. Ҳар бир жамоанинг далалари синчиклаб кўздан кечириб чиқилди. Яна қанча пахта топшириш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинди. Кўпчилик бўлиб яна кам деганда 450 тонна қиймматбаҳо хом ашё топшириш мумкин эканлиги аниқланди. Ҳозир ана шу аҳднинг ҳам уддасидан чиқиш учун қизғин кураш бормоқда.

У. РАҲИМОВ.



● ТЕРИМЧИ Салима Содиқова ва механизатор Пўлат Айтеновлар Ўртачирчиқ районидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида меҳнат қилишади. Хўжаликнинг режани муддатидан илгари бажаришида уларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Суратқаш Ҳ. СОЛИҲОВ.

● ПАХТАКОРЛАРГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

ЯЙРАБ ДАМ ОЛИШДИ

ЯНГИЙЎЛ районидаги Ниёзбош жамоа хўжалигида вилоят маданият бошқармаси, унинг илмий-услубий маданият маркази, район матлубот жамияти ва район соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари биргаликда маданий-оммавий тадбир ўтказдилар. Шу куни хўжаликнинг илғор механизаторлари, теримчилари, иш ташкилотчиларидан бир гуруҳи пул мукофотлари билан тақдирландилар. Ҳусусан, Иброҳим Ўринбоев, Рустам Акрамов, Раҳим Олимов, Баҳри Ўринбоева, Ҳикмат Ғофуров, Абдумалик Қосимов, Абдуваҳоб Тўрабеков, Фахриддин Махаматовлар ана шундай ғамхўрлик ва эътибор учун бу ташкилотлар раҳбарларига миннатдорчилик билдирдилар.

«ГУЛБАҲОР» ЧИНОЗДА

ШУ кунларда Чиноз районидаги пахта далаларида бўлган киши тушлик пайтларида дала шийпонларида концерт бераётган бадиий ҳаваскорларни albatta учратади. Бундай дам олишни ташкил этишда район маданият бўлими мудири Тоир Мансуровнинг хизмати катта. Райондаги «Ёшлик», «Болажон», «Ниҳол» ва бошқа бадиий дасталар пахтакорларга хизмат қилиб ҳурмат-эътибор топмоқдалар.

Чиноз ликларга қўшни районлар бадиий дасталари ҳам тез-тез келиб, ўз дастурларини намойиш қилмоқдалар.

Яқинда Янгийўл районининг «Гулбаҳор» дастаси куй ва қўшиқлари, рақслари райондаги қатор хўжаликлар меҳнаткашларининг дилларини хушнуд этди.

«ГУЛЁР»ГА ГУЛЛАР ТУТИШДИ

БУ бадиий дастанинг довруғи собиқ Иттифоққа ҳам маълум эди. 60-75 ёш атрофидаги онахонлардан иборат қўшиқчилар, раққосалар жамоаси ўз ютуқларини янада мустаҳкамладилар. Дастурлари халқ оғзаки ижодидан олинган ажойиб қўшиқлар билан бойиди. Жамоага «Халқ дастаси» унвони берилди. Шундан сўнг онахонлар вилоят районларига бот-бот сафарларга чиқадиган бўлиб қолишди.

Яқинда Комилжон Сиддиқов бошчилигида Ғазалкент маданият уйининг «Гулёри» пискентлик пахтакорларга ўз санъатини намойиш этди. Ёшлар онахонларни қутлаб, гуллар тутдилар. Районда шу кунларда олтита агитбрида дала меҳнаткашларига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Пискент маданият муассасаларининг кўпгина ходимлари ўз ўринларини далада билиб, пахтакорлар билан ёнма-ён ишламоқдалар.

Камола ҒАФФОР қизи.

ТОЖИКИСТОНДАН ХАТ

ҲАМДАРДЛИК УЧУН РАҲМАТ!

Яқинда пойтахт шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига Тожикистоннинг Душанбе шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Д. Р. Сангировдан телеграмма келди.

— Азиз Қулаҳмад Тошпўлатович,— дейилади унда, — шаҳримиз тиббий жамоатчилиги қардош ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз қадимий Тожикистон ерида рўй берган фожиаларни чин қалбдан ачиниш туйғуси билан ҳис этаётганликлари ҳақидаги мурожаатингизни чуқур мамнуният билан қабул қилдилар. Бошқа МДҲ мамлакатлари, шаҳарларидаги ҳамкасблардан ҳам ана шундай ҳолатимиздан ташвишга тушиб, мусибатимизни баҳам кўраётганликлари тўғрисида тасалли берувчи сўзлар баён этилган хатлар олиб турибмиз. Даволаш муассасаларимизга дори-дармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари келиб турипти.

Дўст мусибатда билинади, дейишгани рост экан. Тожик шифокорлари оғир кунимизда қалбимизга малҳам бўлиб, юрагимизга мадор бағишлаётган сизлардек ғамхўр, диёнатли кишиларни ҳеч қачон унутмайдилар. Биз сизнинг дилингиздаги меҳр тафтини ҳис этган ҳолда, республикада аҳволни маромига солиш учун куч-ғайратимизни асло аямаймиз.

АХБОРОТ МАРКАЗЛАШГАН БЎЛСИН

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА компьютерлаштириш соҳаси оғир, лекин, ижобий жараённи бошдан кечирмоқда. Сўз эркинлиги, тижорат ва ишбилармонлик фаолиятининг тараққиёти компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш босқичида янги-янги йўналишлар ва вазифаларни келтириб чиқармоқда. Бошқаришнинг ҳамма соҳаларида қўлланиладиган, жамланган ахборотнинг аҳамияти тубдан ошиб бормоқда.

Шу сабабли ҳам ахборот марказлари ва хизматлари ўз фаолиятларини қайта кўриб чиқмоқдалар ва талаблар асосида ўзгармоқдалар. Бугунги кунни ва келажакни кўзлаган ахборот технология воситалари ва хизматларини яратиш учун жамият талабига жавоб берадиган давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳон иқтисодий тизимига кириб боришини таъминлашда компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришнинг самарадорлигини ошириш даркор. Бунда Ўзбекистон ҳукуматининг доимо кўрсатаётган ғамхўрлигини таъкидлаган ҳолда, бундай қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам эҳтиёж катта эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Мустақил ҳамдўстлик давлатларида содир бўлаётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар ҳисоблаш техникасининг синишига олиб келмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг ўз-ўзини бошқаришга ўтиши, даромаднинг истеъмолчилар ўртасида тақсимланиши, техникавий воситаларни янгилаш ва кенгайтириш сарфланаётган маблағларнинг кескин қисқартирилишига олиб келди.

Корхоналар — техника истеъмолчилари ҳисоблаш қувватларини янгилаш ўрнига қўшимча ҳаражатларни қисқартириш яъни фойда кўриш мақсадида борларидан ҳам қутулиш сиёсатини олиб боришмоқда. Давлат корхоналари ва бир қатор ширкатлар, қўшма, хусусий корхоналар ўртасида рақобат вужудга келмоқда. Бу ҳолатнинг пайдо бўлиши бизнинг иқтисодий сиёсат учун ижобий кўринишдир. Бироқ ЭҲМ программаси таъминоти бўйича мутахассислар жамоасини тузиш ва уларни моддий таъминлашда тубдан ўзгартиришлар юз бермоқда.

Программа воситаларини ишлаб чиқиш, тарқатиш ва тадбиқ қилиш билан шуғулланувчи йирик юқори малакали ташкилотлар сони кескин қисқариб бормоқда. Бироқ, оз сонли программаловчилар билан ишловчи, катта бўлмаган лойиҳалар яратувчи корхоналар, ширкатлар, қўшма корхоналар кўплаб очилмоқда. Бу корхоналар мутахассисларининг асосий ҳаракати чет эл фирмаларининг шахсий ЭҲМлар учун яратган программа воситаларини ўрганиш, уларни қўллаш ҳамда сотишга қаратилмоқда.

Жумҳуриятимизда компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёнига бундай ёндашиш турли чет эл программалари асосида сифатли бўлмаган программа таъминотидан тез фойда олишга интилиш, майда рақобатлашадиган ишланмаларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Жумҳуриятимизда таклиф қилинаётган программа воситаларининг 60—70 фоизигачаси оддий, автоном равишда шахсий ЭҲМларда қўллашга қаратилгандир. Шахсий ЭҲМларни локал ва территориал чизмаларда қўлланмаслик, мураккаб программа воситалари ва замонавий ахборот технологиялари яратишга қаратилган программа таъминотига бўлган талабнинг кескин камайишига олиб келмоқда. Бу ҳолат программаларни яратишда (жаҳон стандартлари асосида) техник ечимларини унификациялаш ва стандартлаштириш, рағбатлантириш бўйича давлат сиёсати ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Давлат сиёсати компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёни тараққиёти борасида, яқин йиллар ичида яъни бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий соҳаларнинг яхшиланиши иқтисодиётнинг ўсиш тараққиётини аниқловчи муҳим омиллардан биридир. Катта бўлмаган давлат инвестициялари ва рағбатлантирувчи сиёсат жумҳуриятимизда компьютерлаштириш жараёнида муҳим йўналишлари ва зарур соҳаларида катализатор ва координатор вазифасини бажарган бўларди. Талаб майдонини ҳисоблаш техникаси телекоммуникация воситалари билан тўлдириш, уларнинг тез янгиланиши ва халқ хўжалигида ўнумли қўлланилишини ҳисобга олиб информатика соҳасида мавжуд халқаро (МҲД ичида ҳам) меҳнат тақсимотига фаол киришиш зарур. Бунинг учун ҳисоблаш техникасининг замонавий воситаларини телекоммуникация ва информацион технологияларини яратишда чет эл фирмалари эътиборини жалб қилиш керак. Бу фирмаларнинг компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёнидаги иштироки халқаро келишувлар миқёсида имтиёзли солиқ, божхона таърифи инвестия кафолати ва инвесторлар ҳуқуқига биноан қўллаб-қувватланиши мақсадга мувофиқдир. Илғор чет эл информацион технологияларини, телекоммуникация ҳисоблаш техникаси воситаларини Ўзбекистонда кенг тараққий эттириш, тижорат асосида чет эл фирмалари билан қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бу лойиҳаларга давлат томонидан рағбатлантиришни қўллаш яхши самаралар беради. Яъни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш соҳасидаги ички давлат сиёсати биринчи навбатдаги устивор йўналишлар учун рағбатлантирувчи иқтисодий қонунчилик ва чекланган бюджет таъминоти асосида ҳам қилиниши мумкин. Халқ хўжалигининг аниқ соҳаларида амалий лойиҳаларни моддий таъминлаш соҳасида сарф-ҳаражатлар ўрнини тўлдирувчи ва имтиёзли солиқлар билан қўллаб-қувватловчи тижорат маблағларини яратиш ва тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш зарур.

Жумҳуриятда компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришни бюджет томонидан таъминланишининг тўла тўхтатилиши халқ хўжалигининг етакчи соҳаларини интенсив тараққиётига илмий-техник потенциалига тузатиб бўлмайдиган путур етказиши мумкин.

Лойиҳалардаги тартибсизликлар фундаментал ва амалий изланишларнинг йўқлиги, шунингдек, давлат томонидан координацияловчи таъсирнинг йўқлиги, жумҳуриятда унумли ва истиқболли компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш инфраструктурасини яратишга имкон бермайди. Шу сабабли компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш тараққиётини минимал даражада давлат томонидан таъминлашни ҳисоблаб чиқиш давлатни координацияловчи ролини сақлаб қолишга имкон беради. Шу билан бирга иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада янги информацион технологияларни қўллашни таъминлайди. Бироқ информацион технологияни яратишдаги ишларнинг асосий қисми буюртмачиларнинг маблағи ҳисобига бажарилиши даркор. Яъни информацион технология тараққиёти давлат томонидан моддий таъминланиши, фақат муҳим йўналишлари ва лойиҳалари учунгина сақланиб қолиниши мақсадга мувофиқдир. Қисқаси мустақил жумҳуриятимиз равнақи йўлида компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш жараёнини ривожлантиришга қаратилган давр келди.

Д. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон «Кибернетика» ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус лойиҳа конструкторлик бюроси директори, техника фанлари доктори, профессор.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

30 октябрь куни Тошкентда Бошқирдистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматлари ўртасида 1993 йилги ўзаро иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги битим имзоланди.

Бу муҳим ҳужжат кенг кўламда маҳсулот айирбош қилишни кўзда тутади. Республикамиз бошқирд истеъмолчилари учун пахта толаси, рангли металлар, газлама, кабель ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа кўп турларини етказиб беради. Ўзбекистон ўз навбатида Бошқирдистондан нефть маҳсулотлари, шу жумладан бензин, ўғит, сода, машинасозлик маҳсулотлари олади.

Битимни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, Бошқирдистон Республикаси номидан Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р. Жамолетдинов имзоладилар.

Икки республика ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари хусусида дўстона суҳбат бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҚИЛ ҚОНУНИ ҲАҚИДА

Ўтмишда бизнинг бобокалонларимиз машҳур қонуншунос бўлганлар ва давлат бошқарганлар. Ўз ақли-заковатлари билан жамоа, давлат тузуми ҳақида махсус китоблар ёзганлар. Ў китобларда давлатни қандай бошқариш кераклигини баён қилганлар. Қадимда махсус қонун-одатлар бўлган. Бу қонун-одатларни адолатчи-тўралар бошқариб турганлар. Шунингдек давлатни бек-бей-вазирлар ҳамда беклар беги—бош вазир кузатиб турган. Халқ билан давлатни ботловчи, қонун асосида шартнома тузувчи — пайчилар бўлган.

Машҳур аллома Абу Наср Форобий 942-948 йиллари «Фазилатли шаҳар аҳли ҳақида «китоб»ни ёзади. Бу 37 бобдан иборат бўлиб, арабчадан кўп тилларга таржима қилинган. Асарнинг ўндан ортиқ боби кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш сабаблари, фазилатли шаҳар аҳли, унинг ҳокимининг сифатлари, шунингдек, адолат, сабр-қаноатга бағишланган. Одобсиз шаҳар ва унинг фуқаролари дунёқарашлари ҳам баён қилингандир.

Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино асарларида ҳам қонун ва давлат ҳақида фикрлар бор. Беруний «Қонуни Мақсудий», Ибн Сино эса «Алқонуни фиттиб» китобларини ёзганлар. Фирдавсий томонидан 920 йили ёзилган «Шоҳнома» халқ ва шоҳлар учун қўлланма бўлган. Жаҳон адабиётининг нодир асаридан бири Юсуф Хос Ҳожиб томонидан 1069 йили ёзилган «Қутадғу билиг» ҳақиқий қомусий-қонуний мажмуадир. Унда инсон ва унинг жамиятдаги ўрни турк тилининг нозик томонларидан фойдаланиб, шеърий усулда баён қилинади. Муаллиф турли-туман касбларнинг хислат ва фазилатларини кўрсатиб, камолотнинг асосий белгиси деб одамийлик, яъни бошқаларнинг ғами билан яшашни кўяди. «Қобуснома» асари 1082 йили Кайковус томонидан ўғли Гилоншоҳга бағишлаб ёзилади. Бунда шахснинг ўзига хос хусусиятлари, ҳаёти, маросимлар, уруш қилмоқ, мол жамғармоқ, уй ва ер сотиб олмоқ, омонатни сақламоқ, болаларни тарбияламоқ, подшоҳга хизмат қилмоқ, вазирликнинг шартлари, сипоҳи ва шодшоҳлик шарти, одамийликлар баён қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур (1336—1405) ўзининг «Тузуклар» китобида фарзандлари учун давлатни қандай бошқариш кераклигини тўғри ва тўлиқ кўрсатиб кетган. «Куч—адолатда, ғалаба — маслаҳатда, одамийлик — меҳр-шафқатда» деб, яхши одам — юрт тузади, ёмон одам юрт бузади» деб эслатади. Аскарлар қандай бўлиши керак, вазирларнинг вазифалари ва уларни мукофотлаш, дўст ва душманга қандай муносабатда бўлиш, кенгашларни ўтказиш қоидалари, солиқ йиғиш, ҳар бир ишга олдиндан режа тузиш зарурлигини эслатиб ўтади. Шундай «Тузуклар» Бобур томонидан ҳам тузилганлиги маълум.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий умрларининг охирида «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгилиси») китобини ёзганлар. Бу 50 га яқин бобдан иборат бўлиб, шулардан 40 таси подшоҳ, вазирлар, лашкарлар, мударрислар, қозилар, савдогарлар, деҳқонлар, ғариблар, косиблар, табиблар ҳақида ва уларнинг фезл-атвори ҳақида баён қилинган.

Ўтмишда ҳар бир касб-ҳунарнинг ўз қоидаси-қонуни, рисоласи бўлган. Қоидали ишга рисолали дейилади. Рисолалар йиғилиб, умумий давлат қонуни вужудга келади. Агар рисолалар тўғри ва тўлиқ бўлса авлоддан-авлодга, асрлардан асрларга ўтиши шак-шубҳасиздир.

Юқорида эслатиб ўтилган китоб ва рисолалар бизнинг миллий ва маънавий меросимиз ҳисобланса-да, инсон ҳуқуқини тўлиқ, аниқ ва қисқа равишда ихчам баён қилолмаган. Бундан ташқари улар бу кунги давр талабига жавоб беролмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жумҳуриятимизнинг мустақиллиги мевасидир. Аслини олганда жумҳуриятимиздаги йирик мутахассисларнинг меҳнати самарасидир.

Лойиҳа жумҳурият турмушининг барча жабҳаларини ўз ичига олган. Бу тўлалиги билан бир қаторда ихчамлиги ва жумлаларининг аниқлиги билан кўзга яққол ташланади.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, 5-бўлимда «Давлат ҳокимиятини ташкил этишда» эски Олий Совет ўрнига **«Олий Мажлис»** қабул қилиниши миллийликнинг ёрқин ифодасидир. Бундан ташқари XIV бобда **«Ошла»**нинг алоҳида берилиши ҳам бунга яққол мисолдир. Шунингдек, Конституциянинг 104-моддасида, **қишлоқ ва маҳалла** органларининг иши устида ҳам алоҳида тўхтаб ўтилган.

Мазкур «Лойиҳа» шу кунгача мавжуд бўлган Конституциялардан ҳусусан 1991 йили нашр қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясидан ҳам мазмун, ҳам ҳажми ва сифати жиҳатидан фарқ қилади.

Шу вақтгача мавжуд бўлган Ўзбекистон Конституциясининг ўзбекча нашрига нисбатан ушбу лойиҳада рус сўзлари ва атамалари анча камайган. Масалан, **«область»** ўрнига **«вилоят»**, **«гражданлик»** — **«фуқаролик»**, **«министр»** — **«вазир»**, **«система»** — **«тизим»**, **«гимн»** — **«мадҳия»** деб ёзилган. **«Совет»** деган тушунча тамоман чиқариб ташланган. Рус тилидаги лойиҳада ҳам **«Олий мажлис»**, **«Ҳоким»** ва **«маҳалла»** атамалари ўзгаришсиз киритилган.

Олдинги Конституцияга нисбатан бўлимлар (11), боблар (21) ва моддалар (183) анча қисқарганига қарамай лойиҳа янги-янги тушунчалар, миллий ифодалар, маҳаллий иборалар билан бойитилган. Масалан, Муқаддима, I боб, **Давлат суверенитети**, II боб, **Халқ ҳокимиятчилиги**, III боб, **Конституция ва қонуннинг устунлиги**, XIII боб, **Жамоат бирлашмалари**, XIV боб, **Онла**, XV боб, **Оммавий ахборот воситалари**, XVI боб, **Мудофаа ва хавфсизлик** олдинги конституцияда бўлмаган.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, Конституциянинг лойиҳаси алоҳида группа томонидан тузилганлиги учун баъзи бир камчиликлардан ҳоли эмас.

1. Конституциянинг лойиҳаси аслида рус тилида ёзилган ва ўзбек тилига таржима қилинган, шу сабабли ҳам баъзи ғализликлар учрайди. 21-моддадаги «буткул ҳудудида» ибораси «ҳамма ҳудудида», 50-моддадаги «ҳалол рақобат» «одил рақобат», 102-моддадаги «яккабошчилик» асосида амалга оширадилар» «мустақиллик асосида амалга оширадилар» дейилса ҳақиқий ўзбек тилига мос бўлар эди. Мустақил мамлакатнинг ҳақиқий давлат тили ҳисобланган ва лойиҳада давлат тили деб қайд қилинган ўзек тилининг бойлигидан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш бошқа қонунлар учун ўрнак ва намуна бўларди.

2. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, лойиҳада миллийликка эътибор берилганку, лекин етарли эмас. Бизнингча XIV боб **«Маҳалла, онла ва ёш авлод тарбияси»** дейилиб, бунга маҳалла ҳақида махсус модда берилиши керак.

Ҳақиқатда маҳалла миллий жамоадир. Шахс эса маҳаллада шаклланади. «Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бекор айтилмаган. Ҳатто ўтмишда «диндан чиқсанг чиқу, элдан (маҳалладан) чиқма» дейилган. Чунки маҳаллада турли элат, миллат ва диндаги кишилар яшайдилар. Ҳозирги вақтда маҳаллага эътибор кучайган. Маҳалла қўмита раислари ва котиблари давлат томонидан маош билан таъминланганлар. Район, вилоят, шаҳар ва жумҳурият маҳалла уюшмалари ташкил қилинган. Маҳсус «Маҳалладош» рўзномаси мавжуд. Кейинги кунда жумҳуриятда «Маҳалла» жамғармаси ташкил қилиниб, унга давлат томонидан 25 миллион сўм пул ўтказилди. Бошқа ташкилотлар ҳам ўз ёрдамларини аямаётирлар.

Маҳалла ҳақиқатда миллий анъаналар маскани, маҳалла-қўйда одоб-ахлоқ ўрганиб, келажакда шахс давлат бошқарувчи бўлиши мумкин. Шуниси диққатга сазовори" «дом»ларда яшовчиларга нисбатан маҳаллада жиноятчилик икки ярим баравар кам. Эндиликда жумҳуриятимизда ЖЭКларда ҳам маҳалла ташкил қилинмоқда. Маҳаллани ҳақиқий таълим-тарбия маконига айлантириш керак. Шунинг учун махсус моддада **«Маҳаллада миллий маросимларни ривожлантириш, кексаларнинг ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиб, ёшларни таълим-тарбиявий ишларини ривожлантириш зарур»** деб қайд қилиш керак.

Маълумки, оила давлатнинг асосидир. Умуман олганда оила — инсонларнинг қон-қариндошлик ва никоҳга асосланган ижтимоий бирлиги. Оиланинг мустаҳкамлиги кишиларнинг меҳрисадоқати ва никоҳнинг шарт-шароитига боғлиқ. Никоҳ асосан икки томондан ишончли вакил иштирокида маҳр-мерос билан мустаҳкамланиши керак. Шахсий мулк миллий анъаналарга биноан маҳр-мерос асосида оилада вужудга келади. Бизнингча, Конституцияда алоҳида моддада **«Никоҳ маҳр-мерос асосида ишончли вакиллар иштирокида белгиланиши шарт»** деб, шунингдек **«келажакда фарзандлар ота-она мулкига меросхўр бўлишга ҳақлидирлар»**, деб ёзилиши керак. Иқтисодиётнинг негизи мулк ҳисобланади. Бу жумлани ҳам алоҳида моддада қайд қилинса айни муддао бўлур. Бундан ташқари шу боббда ёшлар тарбияси бўйича ота-она масъулиятни ошириши зарурлиги таъкидланмоғи лозим. **«Ёшларнинг илм-ҳунар ўрганиши учун ҳар томонлама давлат ёрдамини таъминлаш шарт; Янги уйланаётган келин-куёвларга имтиёзли уй-жой беришни йўлга қўйиш керак»** деб ёзилса.

Маҳалла ҳақида XXI боб-нинг 104-моддасида «Қишлоқ ва маҳалла фуқароларининг йиғиндилари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга Кенгаш раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар», дейилган. Бизнингча шу моддани XIV боб-га олиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари маҳаллаларнинг махсус низоми чиқарилган бўлиб, унда сайлаш муддати беш йил деб кўрсатилган.

3. XI боб-да фуқароларнинг бурчларида 46-моддага қўшимча равишда **«миллий урф-одатлар ва маросимлар ҳурмат қилинсин»** деб ёзилса тўлиқроқ бўларди.

VII боб-да «Шахсий ҳуқуқ ва эринликлар» берилган бўлиб, шуни 28-моддага **«ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга»** деган жумладан кейин **«Ўзбекистон фуқаролари давлат тилини билишлари шарт»** деб қўшиб қўйилса айни муддао бўлади. Чунки ўзбек бўлмаган бошқа миллатлар ҳам мактабда ўзбек тилини ўқийдилар. Бу эса уларнинг меҳнат самарадорлигини оширади ва ҳурмат-эътиборини кучайтиради. Шу боб-нинг сўнгги 30-моддаси қуйидагича ёзилса тўғри ва тўлиқ бўларди: **«Ҳар бир инсон виждон эркинлиги ҳуқуқига, хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга. Барча учун дин эркинлиги давлат томонидан кафолатланади. Ҳеч бир диний ташкилотнинг давлатдан бирор имтиёз олиши ва сиёсий ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эмас».** Бу ерда иккинчи жумладаги **«давлат томонидан»** деган ибора киритилиши Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида кичик диний ишлар шўъбаси ташкил қилиниб, унда ғайриинсоний эътиқодларни чеклаш ҳам кўзда тутилади. 75-модданинг 20-параграфи **«махсус ҳолларда»** жумласи билан бошланса дурустроқ бўларди. Шунингдек 24-модда ҳам **«Эркин»** сўзи билан бошланганги, 92-моддаснинг 13-параграфи **«Айрим ҳолларда»** сўзи билан бошланса янада аниқроқ бўларди. Шунингдек 97-моддаснинг учинчи жумласига **«Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий»** жумласидан кейин вергул қўйиб, **«маданий»** сўзини қўшилса фикр тўлиқ бўлади.

4. Лойиҳанинг айрим моддаларида ортиқча сўзлар ҳам бор. Масалан, 24-моддадаги **«ҳуқуқи»** ортиқча ва 36-моддадаги **«қонунда кўрсатилган тартибда меҳнат қилиш»** ифодаси ҳам ортиқчадир. Шунингдек 28-моддадаги **«Конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир»** жумласи қавс ичида ёзилиши керак.

5. Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, ўзбек тилида мос атамалар топилмаган тақдирда баъзи бир байналмилал, ҳорижий сўзларни қўллаш сўз бойлигини оширишга сабабчи бўлади, albatta. Лекин ўзбек тилининг бойлигидан тўғри ва тўлиқ фойдаланилмаганлиги туфайли лойиҳада ўринсиз ҳолларда ҳам рус ва ҳорижий атамалар ишлатилган. Масалан, «конституция» ўзбек тилидаги китобларда шу кунгача (қавс ичида) **«Асосий Қонун»** деб берилган. Бундан ташқари турк, форс ва араб тилларида «Асосий қонун» деб берилган. Бизнингча, ҳам ўзбек тилида «Асосий қонун», қавс ичида (Конституция) деб ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек **кредит — қарз, герб — тамға, ратификация — тасдиқлаш, партия — фирқа, юридик — ҳуқуқий, суверенитет—мустақиллик, республика — жумҳурият, депутат — вакил ёки нойб, реал — ҳақиқий, эталон — андоза** каби атамалар ўзбекчаси турганда ҳорижий сўзлар билан ифода қилинган.

Бундан ташқари лойиҳада араб-форс атамалари ҳам ишлатилган. Аслида буларни ўзбекча мос сўзлар билан алмаштирса бўлар эди. Масалан, **ихтилоф — қарамақарши, худуд — чегаралар, тасарруф — қарамоғида, эътироф — тан олиш, мувозий —ёндош, таҳдид —қўрқитиш** ва ҳоказолар. Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, «фуқаро» арабча сўз бўлиб, кундалик турмушда ўзаро муносабатда **«гражданин»** ўрнида ишлатилса дағал ва қўпол ҳамда камситиш маъноларини англатади. Аслида **«элат»** дейилса дилга яқинлиги, тилга мослиги, қулоққа ёқимлиги билан ажралиб туради.

6. Баъзи бир жумлалар узун, тушуниш қийин. Масалан, 79-моддаснинг биринчи жумласидаги **«чиқиш ҳуқуқига»** деган сўзидан кейин **«қуйидагилар эгадирлар»** деб, охирги «эгадирлар» олиб ташланса аниқ бўлади. Шунингдек, 81- ва 82-моддаларнинг биринчи қисми бир-бирига ўхшаб кетган.

7. Биринчи бўлим **«Асосий йўналишлар»**, 1 боб **«Давлат мустақиллиги»**, III боб-даги **«устунлиги»** ўрнига **«устиворлиги»** деб ёзилса, II бўлимдаги **«инсон ва»** олиб ташланса, XX боб-да **«инсон»** ўрнига **«шахс»**, XXII боб **«сайлов тизими»** ўрнига **«сайлов тартиби»** деб ёзилса ўзбек тилида чиройли бўларди.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, янги Конституция лойиҳасини кенг халқ оммасига муҳокама учун эълон қилинишининг ўзи мустақил жумҳуриятимизнинг сиёсий ҳаётида улкан воқеа ҳисобланади. Ишонамизки, маслаҳатли иш тарқамас!

Фатҳуллоҳ ЗИКРИЛЛАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент, олий таълим аълочиси.

• 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ • • 92-ЙИЛ ҲОСИЛИ •

РЕЖАНИ БАЖАРГАНЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

УРТАЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ҚИМ ПЕН ХВА, АКМАЛ ИКРОМОВ НОМЛИ, ОҚҚУРҒОН РАЙОНИДАГИ АКМАЛ ИКРОМОВ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИКЛАРИ ЙИЛЛИК ПАХТА ТАЙЁРЛАШ РЕЖАЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР.

БОШИДАН ПУХТА БЎЛГАН ЭДИ

● СУРАТДА: (чапданўнгга) Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги раиси ўринбосари В. Т. Пак ижарачи Абдусамат Бойжигитовни режа бажарилганлиги билан табрикламоқда.

● БОБОДЕҲҚОНЛАРНИНГ ажойиб бир гапи бор: «Режани бошидан пухта олмасанг, ҳосилдан баракат кутма», дейишади. Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида бўлганимда ана шу гап хаёлимдан ўтди. Бунинг сабаби бор. Чунки бу хўжалик бир неча йилларидан буён райондагина эмас, ҳатто вилоятда ҳам биринчи бўлиб 850 гектар майдонга пахта эккан деҳқонлар гектаридан 27,5 центнердан ҳосил олиб, 2258 тоннадан ортиқ хирмон уйишди. Ҳар доимгидек бу йил ҳам машиналар теримда асосий таянч бўлди. 22 та терим агрегатининг ўртача иш унуми 100 тоннани ташкил этди. Улар яна 200 тонна пахта топширишмоқчи.

Бу рақамларни таҳлил этар экансан, бир нарса кўзга яққол ташланади. Хўжаликда иш ниҳоятда пухта ташкил этилди. Ҳар йилгидек пахтани ёппасига теришдан воз кечилди. Аксинча, шароитни ҳисобга олган ҳолда ғўзани баргсизлантириш ҳам, терим ҳам босқичма-босқич амалга оширилди. Чунки об-ҳавонинг паст келиши натижасида ёнма-ён карталардаги экин ривожи ва ҳосил тўплаши бир-биридан фарқ қиларди.

Кўрилган тадбир нима берди?

Биринчидан, ҳосилни тўлиқ очилтириб териш унинг сифатини яхшилади. Иккинчидан, машиналарнинг унуми юқори бўлди. Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ким пенхваликлар ҳосилнинг ҳаммасини фақат ўз кучлари билан четдан биронта ҳам ҳашарчи олмасдан йиғиштириб олишмоқда.

Жамоа аъзоларини ишга тўғри йўналтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш бош масала қилиб қўйилди. Фақат бугина эмас, пахтакорларнинг рўзғори ҳам бутлаб қўйилди. Айни кунларда икки марта машина терими ўтказилган майдонларнинг бир гектарини ҳосилдан тўлиқ тозалаган кишига 5 минг сўм тўланмоқда. Бу пул тўлиқ жамоа хўжалигининг мукофот фондидан ажратилмоқда. Шу тариқа колхозчилар икки баравар кўп даромад олишмоқда.

— Деҳқон ҳамиша шароитни ҳисобга олиб иш юритмаса панд еб қолади,— деди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Турғун Мадиёров,— бугун кўпчилик режа бажарилган куни ҳам қандай қилиб хўжалик олти фоиз миқдорида пахта берди, деб ҳайрон бўлмоқда. Бунинг боиси одамларимизнинг бир ишга сидқидилдан киришиши бўлса, иккинчиси меҳнатни ташкил этишдаги жорий этилган янгиликлардир. Бир нарсани бугун жуда яхши билиб олиш керак. Ҳеч нарса ўз-ўзидан келмайди. Аксинча, уни меҳнат билан яратиш ва яратилган неъматни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш керак. Буни бугун жамоа хўжалиги аъзоларига тушунтириб ўтиришнинг ҳожати қолмаган. Назаримда ишга кишиларимизнинг ана шундай онгли ёндашуви муваффақиятларимизнинг энг муҳим омили бўлмоқда. Ана шунинг учун ҳам ҳашарчиларсиз жами ҳосилни саранжомлаб олмоқдамиз.

Дарҳақиқат, бу гапларда жон бор. Масалан, хўжаликнинг М. Тешабоев бошчилик қилаётган бригадаси жамоаси ҳозиргача йиллик режани 120 фоизга бажариб қўйди. А. Пўлатов бошлиқ жамоада терилган пахта йиллик режага нисбатан 140 фоизга яқинлашиб қолди. К. Умрияев, А. Алдаберганов, С. Айтепов, Б. Камолов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг жамоалари ҳам йиллик режани аллақачон ўринлатиб, айни пайтда ҳам кунига 4—5 фоиздан пахта тайёрлашмоқда.

Бу хўжаликнинг янгиликлари тўғрисида рўзномаларда кўп ёзилган. Биз уерда бўлган кунимиз бировга ёқиб, бировга ёқмаган бу тажрибалар ўз самарасини бераётганлигининг гувоҳи бўлдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг, етиштирган пахтасини ўзи қайта ишласа, тола сотса, чигитидан ўз заводида ёг чиқарса, шартнома асосида айрибошланган матолар ҳисобига кичик корхоналар,— тўла қувват билан ишлаб, кийим-кечак тайёрласа. Ахир буни яқиндагина орзу қилар эдик-ку!

Бизга бу ерда жамоа хўжалигининг «Гулшан» ва «Эра» номли кичик корхоналарида тайёрланган аёллар ва болаларнинг тўрқўйлаклари, ҳар хил трикотаж матоларига, тўрқўйлаклари-

● СУРАТДА: (юқорида) илғор механизатор Отабек Низомов. (Пастда) хўжалик саноат корхонаси тўқувчилари Д. Маҳкамова ва М. Мирзаевалар.

га харидорлар кундан-кунга кўпайиб бораётганлигини фахрланиб айтиб беришди. Дарвоқе, уларни биз ҳам кўрдик. Бири-биридан чиройли, бежирим. Энг муҳими нархи ҳам унчалик баланд эмас.

Бу ерда 1992 йилда пахтачиликдан кам деганда 70 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилаётган бўлса, ана шу кичик ва қўшма корхоналар ҳисобидан яна 30 миллион сўм даромад келиши кутилмоқда. Қаранг-а, яна тенг баравар фойда. Хўжалик бошқаруви раиси Турғун Мадиёровнинг бу тадбиркорлиги ва ишбилармонлигига тан бермасдан илож йўқ.

— Ҳозирги энг муҳим масала битта,— дейди Турғун ака.— Қулай келаётган ҳар бир кун, соатдан самарали фойдаланиб, даладаги ҳосилни йиғиштириб олишдан иборат. Чунки пахта бўлса, ҳамма нарса бўлади. Уни истаган жойдан, истаган нарсага айрибошлаш мумкин. Ёки мўмай даромад қилиш мумкин. Республика Президенти И. А. Каримовга минг раҳмат. Унинг пахта хом ашёси харид нархини янада ошириш тўғрисидаги сўнгги фармони ҳақиқатан ҳам пахтанинг қадр-қимматини ошириб юборди. Энди уни етиштирган деҳқонлар қанчалик фахр ва ифтихор билан парвариш қилган бўлсалар, ана шундай кайфиятда йиғиштириб олмоқдалар.

Ҳа, раис ҳақ гапни айтди. Ўзбек пахтасининг қадр-қиммати, тобора ошиб бормоқда. Демак, пахтакорнинг ҳам қадри кўтарилади. Унинг меҳнати кўпроқ самара беради. Биз Ким Пен Хва жамоа хўжалигидан ана шундай таассуротлар билан қайтдик.

Хўжаликда эса терим тўла қувват билан давом этмоқда. Улар далалардан яна кам деганда 200 тонна пахта териб олишни режалаштиргандар.

ДЕҲҚОН ЮЗИДАГИ ТАБАССУМ

● 1992 ЙИЛГИ об-ҳавонинг мураккабликларини Ўртачирчиқ районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги деҳқонларига бошқаларга қараганда кўпроқ ташвиш келтирди, десак муболаға бўлмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, чигит экиб, уни эндигина тўлиқ ундириб олсангиз-у, бир кечада бутун меҳнатинг кунпая кун бўлса! Бунинг қанчалик оғирлигини умрида бир кун бўлса ҳам далага чиқиб, деҳқончилик қилган одам билади...

Ўшанда — апрель ойининг охири эди. 840 гектар ердаги ғўзанинг ҳаммасини ёппасига совуқ уриб кетди. Деҳқон кўзида ёши билан ўзи эккан ниҳолини ўзи чопди. Бошқа илож ҳам йўқ эди. 800 гектар ерга 5 майдан бошлаб қайтадан чигит қадай бошлашди. Бу иш 12 майда ниҳоясига етказилди.

Шу тариқа бошқа хўжаликларга қараганда 15—20 кун орқада қолинди. Устига устак ёзда ҳароратнинг паст келиши қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Аммо бугун жамоа хўжалиги деҳқонларининг юзи ёруғ. Режа бажарилди. Ўз имкониятларини ҳисоблаб, яна 450 тонна пахта беришга қарор қилишди. Бу ҳазил гап эмас.

Очиғи, далаларни айланиб, мўл ҳосилни кўриб мана шу ерларга чигит қайта экилганлигига ишониш қийин.

— Сезиб турибман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор хўжаликнинг оқсоқол бригада бошлиғи миришкор деҳқон Ҳатам ака Шодиев.— Наҳотки шу ерлар бузиб экилган деб ўйлаяпсиз. Ҳа, буздик. Бузди-у, бутун тажрибамизни, тадбиркорлигимизни ишга солдик. Қайта экилган ниҳолларга меҳримизни бердик. Таъбир жоиз бўлса, чопиғидан тортиб, теримгача ҳамма агротехника тадбирларини кунларнигина эмас, соатларни ҳисоблаб амалга оширишга ҳаракат қилдик. Йўқса бу ҳосилни етиштириш амалда мумкин эмас эди.

Оқсоқол ҳақ. Даладаги ҳосил унга қанчалик катта ва машаққатли меҳнат сарфланганлигини исботлаб турипти. Аммо бугун хўжалик деҳқонининг кайфи чоғ, дили равшан. У режасини муддатидан илгари ортиғи билан адо этиб қўйди.

Биргина Ҳатам аканинг бригадаси давлатга 350 тоннадан зиёд пахта топшириди. Ўскан Усмонов, Ўрмонали Тожиев, Камол Ўжаров, Ғулом Бекмонов, Боқи Алимов, Мирза Иброҳимов сингари ўнлаб тажрибали пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳам ҳосилдорлик 29—30 центнердан ошиб кетди. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, ўзлари яратган янгиликлар, бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил олишда орттирган тажрибалар ҳақида мароқ билан сўзлаб беришади.

Исқа фурсатда маррага

● СУРАТЛАРДА: (юқоридан чапда) Ўртачирчиқ районидаги Чиғириқ пахта қабул қилиш пункти мудири Б. Иброҳимов, (ўнгда) Акмал Икромов номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Ҳ. Шоднев. (Пастда) ҳашарчилар.

етган бу хўжаликда машиналардан ҳам самарали фойдаланилди. 2256 тонна пахтанинг салкам 1900 тоннаси машиналарда териб олинди.

Жамоа хўжалиги раиси Абдукарим Тошматов ҳисобчи чиққан раҳбарлардан. Шунинг учун ўзингиз керак, суҳбатимиз дарров рақамларни таҳлилига бориб тақалди.

— Бу йилги шароит машиналар билан биргаликда қўл кучидан ҳам самарали фойдаланишни тақозо этди, — дейди раис. — Шунинг учун одамларни теримга тўлиқ сафарбар қилиш мақсадида дастлабки кунданоқ терилган ҳар килограмм пахта учун 5 сўмдан ҳақ бердик. Чирчиқдан келадиган ҳашарчилар билан ҳам шу тариқа шартнома туздик. Бу ўзини оқлади. Режа муддатидан олдин бажарилди. 1 ноябрдан бошлаб қўлда терилган ҳар килограмм пахтага тўланадиган ҳақни бир ярим баравага оширдик. Бу бир кило пахта терганки ши 7—7,5 сўм олади, деган гап. Агрономларимиз билан биргаликда яна бир шарт ишлаб чиқдик. Кимдаким бир гектар ерни ҳосилдан тўлиқ тозалаб берса 2 минг сўм берамиз. Унинг даромадини қўшимча ҳақ билан ҳисобласак, 8 минг сўмга боради. Ўз-ўзидан бир гектар ерни тозалашга 8 минг сўм сарфланса зиён кўрилмайдими, деган савол туғилиши табиий. Йўқ, биз ҳисоблаб чиқдик. Ҳозир икки теримдан кейин гектаридан яна уч центнердан, яъни 300 килограмм пахта оляпмиз. Бундан 100 килограмм тола олинади. Биз эса бир килограмм толани 350 сўмдан сотяпмиз. Демак, 100 килограмм тола 35 минг сўм даромад келтиради. Хўш, бунинг 8—10 минг сўмини иш ҳақи қилиб беришнинг нимаси ёмон!

Ҳа, ҳисобчи раис таҳлилни давом эттира кетди. Унинг фикрича, режага қўшимча яна 450 тонна пахта йиғиштириб олинса, режадаги ҳосилнинг 15 фоизи билан биргаликда ўз ихтиёрларида 700 тонна пахта қолади. Бу 210—220 тонна тола деган гап. Буни пулга чақсангиз, 75 миллион сўм бўлади. Бу фақат ўзларидаги ҳосил ҳисобига келадиган даромад. Давлатга топширилган пахтадан 60 миллион сўм даромад олиш режалаштирилмоқда. Хўжалик бошқаруви бу йил пахтакорларнинг даромадини кескин оширишни белгилаган. Кўриб турибсизки, бунга асос бор.

Хўжаликда фақат пахтачиликдан эмас, бошқа соҳалардан ҳам яхши даромад олинмоқда. Давлатга сабзавот сотиш режаси 200 фоизга адо этилди: 3400 тонна сабзавот сотилди. Айни кунларда картошка кавлаш ҳам бошланган. Голландияликлар билан ҳамкорликда етиштирилган картошкадан 1200 тонна ҳосил олишмоқчи.

— Бу йилги пахтакорга берилган имкониятдан самарали фойдаланмаган деҳқон деҳқон эмас, — дейди Абдукарим Тошматов, — ахир республика Президенти ва ҳукумати жуда катта имтиёзлар бермоқда. Лўнда қилиб айтганда бу йил режадан ортиқча ҳосилни териб олган пахтакорнинг рўзғорига қутбарака кириши аниқ. Ана шунинг учун ҳам биз режага қўшимча олинган пахтадан келадиган даромаднинг 50 фоизини халқимизга тарқатамиз. Улар тўй қилишсин, яхши кунларига, хурсандчиликларига ишлатишсин, иморат қурсин.

Ҳа, раснинг нияти холис. Зеро, бу меҳнатни шу жамоа аъзоларининг ўзлари қилишган. Энди унинг роҳатини кўришсин. Биз эса уларга тезроқ, яна 450 тоннали қўшимча хирмонни уйишда муваффақият тилаймиз.

ЭНДИ „ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШМАЙДИ“

● Оққўрғон районидаги А. Икромов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Қўчқоров.

● ОҚҚЎРҒОН районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам дастлабки довондан ошдилар. Қабул пунктларига 2200 тоннадан ортиқ пахта етказиб берилди. Ўз меҳнати самарасидан кўнгли тўлиб, эл олдида юзи ёруғ бўлган деҳқон табассумини кўрганимда беихтиёр кишининг дили равшан тортади. Оққўрғон районидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида мени ана шундай туйғу қамраб олди. Чунки бу хўжалик деҳқонлари ҳам вилоятда биринчилар қатори маррага етдилар. 783 гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Давлатга 2200 тоннадан ортиқ хом ашё сотилди.

...1991 йилда жамоа хўжалиги аъзоларининг юзи қаттиқ шувут бўлди. Йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилмади. Бундан ниҳоятда таъсирланган деҳқонлар бошқарув раиси Абдузохид Қўчқоров бошчилигида район раҳбарияти олдига масалани кўндаланг қўйишди. 1992 йилда ё ишни тубдан ўнглаймиз, ё бутун бошқарув аппарати истеъфога чиқади...

Очиғи, деҳқончиликда бундай манзарага дуч келиш қийин. Одатда кўпчилик раҳбарлар режа тўлмай қолса, баҳона ахтаришади. Баъзилари айбни табиатга йўяди ва ҳоказо.

Лекин, Акмал Икромовликларга тан бериш керак. Улар қойил қилишди, ўз сўзларининг устидан чиқишди. Биринчи теримнинг ўзидаёқ режани ўринлатиб қўйишди. Ўша куни гап орасида ҳали қўл тегмаган яна 50 гектар майдон борлигини ҳам айтишди. Раисдан муваффақиятларнинг сирини сўрасак, уни одамлардан эшитинг, деди.

Биз ҳам бунга амал қилдик. Бригада бошлиқлари билан гурунглашдик.

— Одамнинг юзи шувут бўлмасин экан,— дейди районда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарган 9-бригада етакчиси Карим Ҳайдаралиев.— Жамоамиз аъзолари мавжуд 70 гектар майдонга кўздан бошлаб ишлов беришди. Биринчи галда бегона ўтни йўқотишга ҳаракат қилдик. Ерни чуқур шудгорладик. Ана шунинг ҳисобига бу йил бегона ўтга қарши ишлатиладиган гербициддан фойдаланмадик. Яганани вақтида қилдик. Ҳар гектар ерда ўртача 105—110 минг тупдан кўчат сақлаб қолдик. Ўзингизга маълум, ерда бу йил нам кўп бўлди. Шунинг учун ғўза қатор орасига пешма-пеш ишлов бериб, сувни енгил қўйдик. Август ойига келиб ҳашаротга қарши қаттиқ ишладик. Бир туп ҳам ғўзани ундан зарарланишига йўл қўймадик. Дефолиацияни 50 фоиз ҳосил очилганда амалга оширдик. Ҳосилнинг 90—92 фоизи очилганда 2 та машинамизни шундай созлаб далага киритдикки, бир центнер ҳам ҳосил тўкилмади. Ана шунинг ҳисобига дастлабки теримдаёқ гектаридан 33 центнердан ошириб хом ашё йиғиштириб олдик. Механизаторимиз Қурбон Яхшибоев 220 тонна пахта терди. Биз ҳозиргача бир килограмм пахтани қўлда терганимиз йўқ. Мўлжалимиз бу йил гектаридан олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказиш.

Бу йил хўжаликда ишни қойил қилган жамоалардан яна бирига кекса деҳқон Бекноз Бойматов раҳбарлик қилди.

— Биз биринчи навбатда кўчатни тўлиқ сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. Ҳозир ҳам бориб санасангиз гектарида камида 105 минг туп ғўза чиқади,— дейди Бекноз ака.— Халқимизда эса ҳосил тўпдан, деган гап бор. Ҳосилнинг яна мўл бўлишида ғўза баргини тўкитишга шошмаганлигимиз катта роль ўйнади. Биз 20 сентябрдан кейин бу тадбирга киришдик. Уни эртанинг ҳолатига қараб табақалаб амалга оширдик. Мана, кўриб турибсиз. Ҳосилдорлик 31 центнердан ошди. Гектаридан яна беш центнердан пахта оламиз. Жамоамизнинг Саноат Қўлдошева, Жумахол Шарипова, Турдигул Беримбоева, Собира Мирзабоева сингари теримчилари хирмонимизга 4—5 тоннадан пахта тўкиб, барака киритдилар.



● Хўжаликнинг илғор бригадири К. Ҳайдаралиев.

— Мен ҳамкасбларимнинг гапларига битта нарсани қўшимча қилмоқчиман,— дейди йиллик режани 110 фоиздан ошириб адо этган бригада бошлиғи Фарҳод Суяров,— Ғўзани вақтида озиқлантирдик. Калийдан фойдаландик. Ҳосил туга бошлаганда шарбатни эринмай бердик. Ана шунинг ҳисобига бўлса керак, ўтган йили аранг йиллик режанинг 87 фоизи миқдорида ҳосил олинган майдонлардан бу йил камида 36 центнердан пахта олмоқчимиз.

Назаримда бригада етакчиларининг гапларидан саволимизга жавоб олдик. Лекин унга яна бир нарсани қўшимча қилиш лозим. Бу йил хўжаликда тажриба тариқасида парвариш даврида яхши чиритилган ғўнгдан фойдаланилди. Айни июнь ойида гектарига 300—350 килограммдан солинган ўғит кўсакни бўлиқ бўлишида катта роль ўйнади. Шунингдек 1992 йилдан бошлаб жамоа хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг ижара усули жорий этилмоқда. Бу деҳқонлардан имкони борича кам сарф-ҳаракат билан мўл ва сифатли ҳосил олишни талаб этмоқда. Айнан ҳаракатни камайтиришга бўлган ҳаракат бу ерда маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланишда катта роль ўйнамоқда.

Яна бир янгилик, 1992 йилдан бошлаб хўжаликда одамларга пахтадан олинаётган тола ҳисобидан ҳақ тўланадиган бўлди. Бу пахтани ниҳоятда борича сифатли қилиб териб олишга ундамоқда.

Халқимизда даромадга яраша буромад дейишади. Чўнтакда пулинг бўлса ҳар қандай масалани ҳал қилиш мумкин. Бу йил пахтачиликдан мўмай даромад қилаётган жамоа хўжалигида иқтисодий соҳалар ҳам ривожланиб бораётир, Яқиндагина жамоа хўжалигида қазлаштириш бошланди. Қишлоқ йўллари асфальтланмоқда. Ичимлик суви масаласи ҳал этилмоқда. Бундан ташқари аҳолини бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий ҳимоя қилиш учун қўшимча тадбирлар белгиланмоқда.

Биз шу куни жуда кўпчилик билан суҳбатлашдик. Раҳбарлардан тортиб оддий пахтакорларгача бир нарсани алоҳида таъкидлашди. Улар пахтакорга бўлган эътибордан мамнун эканликларини билдиришди. Ана шунинг учун ҳам хўжалик аъзолари даладаги ҳосилнинг ҳаммасини тўлиқ териб олиб, яна 500 тонна пахта сотишмоқчи.

● СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Б. Бойматов (чапда) уста пахтакорлар Х. Бекмуродова ва С. Ўрозовлар билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД суратлари.

Ф. МУҲИТДИНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ВАТАН ТУЙҒУСИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

БУГУН пойтахтимизда ёш ватандошларнинг халқаро анжумани очилади. Бу анжуманнинг ташкил қилиниши хорижда яшаётган ватандошларимизнинг айни муддаоси бўлди. Улар ўзларининг ота юртига ташриф буюриб ватан туйғусининг нақадар улуғ эканлигини чин дилдан ҳис қилмоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз фестиваль қатнашчилари — ватандошларимизнинг бир гуруҳидан анжуман ҳақида фикрларини сўради.

Муҳаммад ал-Бухорий, Сурия, доцент.

— Анжуман Ўзбекистон мустақиллигининг илк ютуқларидан бири бўлди десак, адашмаймиз. Негаки, у тақдир тақозоси билан хорижга бориб қолган ватандошларнинг бошини бир жойга қовуштирмоқда. Уларнинг бир-бири билан учрашиш, танишиш, ўзаро фикр алмашиш имкониятини беради. Ватандаги учрашувнинг завқи ҳам, таассуротлари ҳам ўзгача бўлар экан. Анжуманга ташриф буюрганлар халқимизнинг ҳаёти, урф-одати, маданий ва тарихий осор-атиқалари билан танишадилар. Ваҳоланки, бу дурдоналарни уларнинг ота-боболари яратган.

Қаерда бўлмайлик, биз учун Ўзбекистон ўз юртимиз сифатида қалбимизда доимо туради. Шундай экан, Ўзбекистон фарзандлари ўз она юртларининг гуллаб-яшнаши, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган барча имкониятларни ишга солишлар деган умиддаман. Фурсатдан фойдаланиб фестиваль қатнашчиларини бу улуғ ниятга даъват этаман.

Алп Арслон Ориф ўғли, Туркия, меъмор.

— Аввало дўстларимни мана шундай фестивалда иштирок этиш имкониятига эга бўлганликлари билан қутлайман. Ҳақиқатан Ватан бағрида бўлишдек, халқинг билан ёнма-ён туришдек улуғ саодат бўлмаса керак.

Биз ўзбеклар, гарчи Ватандан йироқда бўлсак ҳам, ўзимизни доимо у билан бирга деб ҳис қиламиз, дардига ҳамдард бўламиз, қувончини биргаликда нишонлаймиз.

Ҳозир шундай ҳаяжондаманки, дил изҳоримни, анжуман ташкилотчиларига миннатдорчилигимни қандай айтишимни билмаяпман. Айни анжуман туфайли дунёдаги ўзбек халқининг вакиллари ўз она юртларида учрашиб, ундаги бор бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қила оладилар ва озгина бўлсада бу билан Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшадилар. Чунки, ўйлайманки, ҳар бир иштирокчи Ўзбекистонга ўзининг таклифлари билан келган.

Мен Туркияда яшайдиган ўзбеклар саломини сизларга мамнунлик билан етказяпман.

Шарифулло, Афғонистон.

— Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани ўз вақтида ўтаётган тадбирдир. Бу Ўзбекистоннинг мустқилликка эришганлигидан далолатдир. Анжуман шуниси билан муҳим аҳамиятга эгаки, унда ишбилармон ёшлар танишиб ўзаро фикр алмашадилар. Учрашув Ўзбекистон ёшлари ҳаётида ҳам ёркин из қолдиради, деб ўйлайман. Ҳориждаги ватандошлар дунё кўрган. Шунинг учун ҳам уларнинг дунёқараши кескин фарқ қилади. Анжуман туфайли улар Ўзбекистон ёшлари билан дўстлашиб, ўз билим ва тажрибаларини алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Учрашув қатнашчилари учун ота-боболари туғилган ерда меҳмон бўлиш нақадар завқли бўлиши билан бирга улар учун ўз она юртларининг фан-техника тараққиётига ҳиссаларини қўшиш ҳам шарафлидир. Шундай экан, қатнашчиларнинг асосий мақсади Ўзбекистонга ёрдам бериш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак. Менимча, анжуман тугагандан сўнг ташкилий қўмита унинг натижаларини кўриб чиқиб, истиқболдаги қилинажак ишларни белгилаб олиши ва унга масъул кишилар бириктирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўриниб турибдики, анжуман иштирокчилари орасида турли касб эгаларини учратиш мумкин: меъмор, тижоратчи, ҳаким, олим. Уларнинг ягона ниятлари Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш. Халқ хўжалигининг ривожи учун ўз ҳиссаларини қўшишдир. Бу муштарак ниятни амалга ошириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Нонбаҳон АЗИЗОВА.



Тошкент кузи.

Ҳ. СОЛИҲОВ сурат-лавҳаси.

ШАҲАР НАШРИ

ШУ кунларда чирчиқликлар ўзларининг севимли газеталари «Чирчиқ»нинг 60 йиллигини муносиб нишонламоқдалар. У дастлаб «Чирчиқстрой зарбдори» («Ударник Чирчикстроя») номи билан чиққан эди. Ўтган йиллар мобайнида газета саноат шаҳри бўлган Чирчиқ қурилишлари, унда бунёд этилган катта корхоналар ҳаётидан мунтазам ўқимишли мақолалар бериб борди. Уруш йилларида бу кўп тиражли газета фронт ҳамда фронт орқасидаги ҳаётни изчил ёритди.

60 йил ичида газета номи 3 марта ўзгарган бўлса ҳам, аммо ундаги қаламкашлар ҳамиша ўз ишларига садоқат билан қолавердилар ва халқнинг манфаатини ўйлаб, шаҳарнинг ижтимоий тараққиётини кўзлаб ижод қилдилар. Газетада «Табиат ва биз», «Инсон ва қонун», «Адабиёт саҳифаси» каби саҳифалар борки, улар чиндан ҳам ўз ўқувчиларининг ҳурматини қозонмоқда.

Газетхонларнинг севимли рўзномаси «Чирчиқ» ҳозир бир қатор муаммолардан ҳоли эмас. Шунга қарамай, долзарб мавзуларни ёритишда доимо ҳозиржавоблик кўрсатмоқда.

О. ЛЕВАК.

КЎПЧИЛИКНИ ҚИЗИҚТИРАЕТГАН МУАММО

ТАНГА ҚАНИ?

Кейинги пайтларда кўпчиликни бир масала — тангаларнинг муомаладан чиқиб, йўқолиб кетаётганлиги қизиқтирмоқда. Ҳақиқатан ҳам тангалар қани? Эндиликда бу борада савдо тармоқларида қандай ҳисоб-китоб қилинади?

Муҳарририятимизга яқинда Ангрен шаҳридан газетхон Ўрол Жўраев ҳам шу мазмунда хат йўллабди.

Ушбу мактубни олгач, бу ҳақда Тошкент вилоят банкининг бошқарувчиси Аҳмад Умаровга мурожаат қилдик.

— Кейинги икки йилдан зиёд вақт мобайнида бизга умуман танга пули бермай қўйишди,— дейди Аҳмад Маматович.— Маълумки, танга пуллар фақатгина Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида ишлаб чиқарилади. Биз бу борада ҳали ҳам уларнинг қўлига қарамиз. Ҳозирги пайтларда йирик қоғоз пулларни ҳам улардан қийинчилик билан олаяпмиз.

— Айни пайтда муомалада ги тангалар қаёққа кетган деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақда тайинли бир маълумотга эга эмасмиз.

Шу қисқача савол-жавобдан сўнг нарх-навога мутасадди ташкилот раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашишга қарор қилдик. Шу мақсадда Тошкент вилоят нарх-наво бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Анасбек Умарбеков қабулида бўлдик.

— Анасбек Умарбекович, нарх-наво белгиланаётганда айни кундаги танга пулнинг танқислиги инобатга олинаяптими?

— Ҳа, албатта. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида бу ҳол назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори билан аҳолининг кундалик эҳтиёж моллари ва сут маҳсулотлари, гўшт, совун, гуруч, ун ва ун маҳсулотлари, чой, ўсимлик мойига ҳақиқий нарх-наво тасдиқланиб, қолган саноат ва қурилиш материалларига келишилган баҳолар қўйилган. Кундалик эҳтиёж моллари ичида фақатгина сут ва сут маҳсулотларигагина нарх-наво белгиланаётганда тангали нарх белгиланди. Бунинг асосий сабаби маҳсулот учун кетган хом ашё, маҳсулотнинг ҳажми, қадоқлашга кетган сарф-ҳаражатлар ҳисобга олинганди. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, сут ва сут маҳсулотлари корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажмини ўзгартириб, тўлиқ (тангасиз) қийматга ўтишга кўрсатма берилган. Саноат ҳамда қурилиш материаллари баҳосига келсак, уларнинг нархлари эндиликда тангасиз тасдиқланган.

— Умумий овқатланиш жойларда бу масала қандай ҳал қилинади?

— Мазкур жойларда хўрандалар билан келишилган ҳолда қайтимга яраша қўшимча овқат берилади.

— Мабодо савдо вақтида танга қайтариш зарур бўлиб қолса, харидорлар қандай йўл тутишлари лозим?

— Бу ҳолда савдо ходими сотиб олинаётган маҳсулотга тегишли танга эвазига маҳсулот бериши лозим. Бу албатта харидор билан келишилган вазиятда амалга оширилади.

Н. РАФИҚОВ.

САЛОМАТЛИК МУАССАСАЛАРИДА

МАЛАКАЛАРИ СИНАЛМОҚДА

Илгари газетамизда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси шифокорларни шаҳодат қўрингидан ўтказаётгани ҳақида хабар қилган эдик. Яқинда ички касалликларни даволовчи врачлар бу «имтиҳон»дан ўтиб бўлишди. Навбат жарроҳлар, буйрак хасталикларига шифо бахш этувчи дўхтирларга етиб келди.

Пойтахтдаги 17-касалхонада ана шу соҳа кишилари учун кўрик бошланди. Ўзига хос бу синов даврасини Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. Т. Ризаев очди ва кўрикдан кўзда тутилган мақсад ҳақида гапириб берди.

Сўнг А. Зокиржонов, Х. Комилов, Д. Собиров, А. Янгиев каби таниқли профессорлар, А. Носиров, И. Исканжонов сингари билимдон доцентлар иштирокида кўрик бошланди.

Билим, малака, амалий ишдаги фаолият жиҳатдан ҳар томонлама синалаётган шифокорлар орасида устозлар эътиборига сазовор бўлганлари ҳам кўплиги аён бўлди. Хусусан кўрикда Ҳамид Муҳамедов, Абдуваҳоб Дадабоев, Фазлиддин Низомов каби шифокорлар олий, Фаина Усмонова, Даминова, Куликовалар 1-тоифали врач номига муяссар бўлдилар. Шаҳодат кўриги ҳамон давом этмоқда.

Ю. ҚОБИЛЖОНОВ.

• Футбол •

ҒОЛИБ ҚЎШИМЧА ЎЙИНДА АНИҚЛАНАДИ

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати якунланди. Чемпионликка даъвогарлар Тошкентнинг «Пахтакор» ҳамда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаларининг сўнгги ўйинларини мухлислар интизорлик билан кутишди. Чунки ҳар иккала командадан бирининг мағлубияти уларни ғолиблиқдан маҳрум қиларди. Лекин сўнгги учрашувда «Нефтчи» ҳам «Пахтакор» ҳам бўш келмади. Тошкентликлар ўз майдонида Косонсойнинг «Косонсойчи» жамоасини қабул қилиб йирик ҳисобда (7:2) ғалаба қозондилар. «Нефтчи» эса ўз майдонида «Шаҳрихончи»ни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари 51 тадан очко тўплашди. Ўзбекистоннинг биринчи чемпионини аниқлаш учун улар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилади. Чемпионатнинг бронза медалини Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси қўлга киритди. Улар сўнгги учрашувда Нукусда «Орол»дан 4:2 ҳисобида устун келишди. Қолган ўйинлар натижаси қуйидагича тугади: «Навбаҳор» — «Нурафшон» — 2:1; «Пахтакор—79» — «Темирйўлчи» — 0:2; «Чирчиқ» — «Янгиер» — 2:3; «Трактор» — Марқанд» — 4:1. «Сурхон» жамоаси Андижонга ўйинга келмади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• Акс-садо •

ОРОМГОҲДА ОТИЛГАН ЎҚ

(«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ», 1992 ЙИЛ, 11 АВГУСТ)

Мен севимли рўзномамиз «Тошкент ҳақиқати»нинг ҳар бир сонини ўқиб бораман, унда ҳар замонда мақола, хабарларим билан қатнашиб тураман.

Рўзноманинг 11 август сонида босилган «Оромгоҳда отилган ўқ» мақоласига ўз муносабатимни билдирмоқчиман.

Мақолани ўқиб чиқиб, кўзларимга ишонмадим: наҳотки оромгоҳда ўқ отилган бўлса?! Бу қўнгилсиз воқеа ўзим туғилиб ўсган районда рўй берганлиги эса кайфиятимни бузди. Кейин тўғрисини айтсам, Бўстонлиқ район халқ судининг Эркин Саитбоевга нисбатан қўллаган чораси менга маъқул бўлмади. Эркин аввал ҳам шу ҳил жиноят қилиб, ўтириб чиққан экан. Бу гал яна унинг жиноятига енгил жазо беришибди. Ахир, у оғли равишда қўлига қурол олиб, одам ўлдиришга қасд қилибди-ку?! Эркин мен билан тенгдош Уйғун Раззоқовга уч марта ўқ отибди-я! Яхшиямки, Уйғун чаққонлик билан ўққа чап берибди. Худо кўрсатмасин, мабодо Эркин Уйғунни ўлдирганда, у оромгоҳдаги бошқа кишиларга ҳам шикаст етказиши мумкин эди. Жиноятчи Э. Саитбоевга беш йил нима деган гап, у шу жазони ўтаб одам бўлиб келса хўп-хўп, у ердан яна ашаддийроқ бўлиб қайтсачи? Меннмча, Эркинга ўҳшаганларга унчалик ишонч йўқ. Жиноятчига берилган енгил жазо унинг қайта жиноят қилишига шароит яратишдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман.

Тирик одамга нисбатан милтиқ ўқталадиган, уни ўлдиришни ният қиладиган кимсалардан яхшилик чиқмайди. Улар барибир, бир кунмас-бир куни қора ниятларини амалга оширадилар. Шунинг учун Эркин Саитбоевга олий жазо бериш лозим эди, деб ҳисоблайман. Эҳтимол, бундай жазога амалдаги қонунларимиз йўл қўймас. Лекин, қонунларимизни янада қатъийроқ, жиноятчиларни даҳшатга соладиган тартибда ўзгартириш ўзимизнинг қўлимизда-ку. Наҳотки, арзимас гуноҳ қилган кишиларга ҳам беш йил, одам ўлдиришга қасд этган кимсаларга ҳам беш йил жазо қўллаш мумкин бўлса?

Албатта, мен қонуншунос эмасман, фақат муштарий сифатида ўз шахсий мулоҳазаларимни айтдим.

Мақоламнинг охирида «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Чунки, Бўстонлиқда рўй берган воқеаларни биринчи бўлиб, шу газета саҳифаларида ўқийман.

Рўзмат ИСМОИЛОВ, Ғазалкент шаҳри.

АТОҚЛИ АДИБГА БАҒИШЛАНДИ

ЯҚИНДА А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг навбатдаги илмий кенгаши бўлиб ўтди. Унда атоқли адиб, улкан давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллик юбилейига бағишланган маъруза тингланди. Нотиқ, институт доценти Баҳриддин Насриддинов «Шароф Рашидов ва Ўзбекистонда маданий тараққиёт» номли қизиқарли маърузасида Шароф Рашидовнинг адабиёт, санъат ва маданиятимиз равнақидаги улкан хизматларини таъкидлаб ўтди. Институт профессор-ўқитувчиларидан С. Мирвалиев, М. Имомназаров, А. Тўраев, М. Муродовлар ҳам атоқли давлат арбобининг ўтмиш маданий меросимизни тиклаш борасидаги фидойилиги, ёш ижодкорларга кўрсатган ғамхўрликлари ҳақида гапирдилар.

Шуҳрат УСМОНОВ.

ЭҲТИЁТ БЎЛМАСАНГИЗ, ЗАҲАРЛАЙДИ

Қўзиқоринлар заҳарланиш тўғрисида «Тошкент ҳақиқати» газетасида биринчи бор ёзаётганимиз йўқ. Лекин ҳар йили огоҳлантиришларга қарамай, озиқ-овқат учун мўлжалланмаган қўзиқоринни ёки турли сабабларга кўра заҳарли модда тарқатишга «шай» бўлиб қолган бу маҳсулотни истеъмол қилиш оқибатида хунук ҳодисалар рўй бермоқда. Биз ҳозир бир қатор шундай нохуш воқеаларнинг гувоҳи бўлганлигимиз учун аҳолига қўзиқоринлар тўғрисида яна бир бор маълумот бериши ўз бурчимиз деб ҳисобладик.

Шуни айтиш керакки, қўзиқоринларнинг 200 дан ортиқ хили мавжуд. Лекин улардан истеъмол қилиш мумкин бўлгани фақат 20 хилдан сал ортиқроқ, холос. Қўзиқориндан заҳарланиш асосан унинг таркибида бўладиган заҳарли модда (токсинлар) ҳисобига рўй беради. Бу модда ёш қўзиқоринларда камроқ бўлиб, қўзиқорин катта бўлиши билан заҳар ҳам кўпайиб боради. Заҳарлайдиган қўзиқоринлар турига мухомор, оқ паганка, строчок деб ном олганлари киради. Шунингдек, касаллик тарқатувчи микроблар билан заҳарланган қўзиқоринлар ҳам заҳарланишга олиб келади. Қўзиқориндаги гелвелл кислотаси — яъни заҳар киши юрак, буйрак, жигар, талоқ, ҳамда асаб тизимини заҳарлаб қонга таъсир қилади.

Заҳарланишнинг аломатларини ҳам билиб қўйиш керак. Бу маҳсулотни истеъмол қилгандан бир соатча ўтгач инсон — танаси бўшашиб, кўнгли айнийди. Бақини атрофида ўзича ноқулайлик сезади. Боши гир-гир айланади. Сўнгра қайт қилади, қорида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, ич кетиши юз беради. Баъзида терининг, кўз қорачиғининг атрофи саргайиб, ҳатто титроқ тутиш аломатлари содир бўлиши мумкин. Қўзиқорин таркибидаги заҳарли модда эмизикли оналар сути орқали болаларга ўтиши хавфи ҳам бор.

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

Шуни қайд қилмоқчимизки, агарда заҳарланишнинг бирон-бир аломатини сезиб қолгудек бўлсангиз жуда тезлик билан шифокорга мурожаат қилиш керак. Қанчалик тез ҳаракат қилинса, шунчалик самара бериши мумкин. Акс ҳолда токсинлар хунук воқеанинг содир бўлишигача, яъни ўлимгача олиб боради. Заҳарланган ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш — иссиқ сув, содали қоришма ёки марганцовка билан ошқозон йўлларини ювиб заҳар моддасини чиқариб юбориши мумкин бўлади.

Кўп ҳолларда умуман заҳарланишнинг олдини олса бўладими, деб сўраб қолишади. Ҳа, бўлади, лекин қўзиқорин терувчи одам қайси бирини истеъмол қилишни олдиндан билиши керак. Қўзиқорин териш билан болалар шуғулланмаганликлари маъқул. Истеъмол қилиниши мумкин бўлган қўзиқоринни ҳам роса тозалаб ювиб, ширириш қондаларига, санитария тартибларига риоя қилган ҳолда истеъмол учун овқат тайёрлаш керак. Қўзиқоринлардан консервалар тайёрлаганда жуда эҳтиётқорлик зарур. Эҳтиёт бўлмаган кишилар ботулизм, яъни заҳарланиш касаллигига учраши мумкинлигини олдинги йилларда ҳам бир неча бор эслатганмиз.

Инсон учун ҳаётдан бебаҳо неъмат йўқ. Шундай экан, ҳар соҳадаги каби қўзиқорин истеъмол қилишда ҳам хушёрроқ муносабатда бўлайлик, деймиз.

И. МАВЛОНОВ, Тошкент вилояти санитария-эпидемиология станциясининг овқатланиш гигиенаси бўлими санитария врачи.

• ЭЪЛОН •

ШИН Елена Трофимовна номига берилган Тошкент шаҳар Киров районидаги 83-ўрта мактабни тугатганлиги тўғрисидаги А 503759 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги муносабати билан.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Оққўрғон район матлубот уюшмасига қарашли Октябрь матлубот жамиятининг тартиб сони 166526 дан 166576 гача бўлган чеклаган чек дафтарчаси йўқолгани муносабати билан 0007228 33 рақамли счётдан тўловлар

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, 700000, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г-457. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 21.00. 31730 нусха босилади.